ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Оғаев Ҳ.С.
БухДУ мустақил-изланувчиси

Таянч сўзлар: билим, кўникма, малака, компетенция, инновацион фаолиятнинг трансформация, стратегик мақсад, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари, касбий компетентлик.

Ключевые слова: знания, умения, квалификация, компетентность, трансформация инновационной деятельности, стратегическая цель, профильные образовательные учреждения, профессиональная компетентность.

Key words: knowledge, skills, qualifications, competence, transformation of innovative activity, strategic goal, specialized educational institutions, professional competence.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳадаги туб ислоҳотлар, илм фан, техника, технологиялар соҳасидаги ривожланиш ва ахборотларнинг глобаллашуви жараёнида ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини узлуксиз ривожлантириш асосида уларни замонавий таълим шароитида фаолият кўрсатишга тайёрлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Касбий тайёргарликка қўйилаётган замонавий талаблар касбий билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни тақозо этади. Бугунги кунда замонавий таълим жараёнида “Билим - кўникма малака - компетенциялар” тўрт босқичли трансформацияга асосланган ёндашув таълим дастурларини янада самарали режалаштириш стратегик мақсадига эришиш имконини беради. Таълимнинг ҳалқаро стандарт таснифлагичига мос келувчи таълим дастурларини яратишда асосий вазифа ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлиги бўлиб, уларнинг рақобатбардошлиги ва профессионал мобиллиги айнан шунга боғлиқдир.

“Компетенция” - категорияси таълим сифатини таъминлашнинг асосий инструментарияси бўлиб, ўқув-тарбия жараёнинг муваффақиятли амалга ошириш учун асосий локомотив бўлиб хизмат қилади. Билим-кўникма-малака-компетенциялар педагогик категорияларнинг узвий кетма-кетлиги бўлиб таълим мазмунининг яхлит конструктив тузилмаси сифатида ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларинг компетенциявий ёндашув асосида таълим мазмунини янада самарали режалаштириш ва амалга оширишда ўқувчиларнинг ўқув-тарбия мақсадларига эришиш имконини беради. Компетенция – билим, кўникма ва малаканинг ўрнини босувчи тушунча сифатида талқин этилаяпти. Бу эса ўз навбатида билим, кўникма, малакаларнинг таълимдаги моҳиятига аниқлик киритишни тақозо этади. Ўқув жараёнини ташкил этишда билим, кўникма, малакалар асосий пойдевор вазифасини ўтаб, ўқитувчининг касбий фаолиятидаги тажрибаси билан бойитилганда инновацион фаолиятнинг шаклланишига замин бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, билим, кўникма, малакалар асосида шаклланган компетентлик даражалари ва касбий компетенцияларни эгаллаган мутахассисларнинг таълим соҳасида рақобат қилишларида ҳал қилувчи фактор сифатида қаралади. Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг компетентлиги деганда - мутахассиснинг касбий ва инновацион фаолиятида муваффақиятга эришишини белгиловчи асосий мезон сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Халқаро тажрибада компетенцияларнинг жуда кўп вариантлари келтирилган ва уларга таъриф берилган, бизнинг фикримизча компетенция- бу ўқитувчи тамонидан таълим мақсадларига эришиш фаолиятларида билимлар манипуляцияси жараёнида таълимнинг самарадорлигини таъминлаш кўрсаткичидир деб ҳисоблаймиз. Шу нуқтаи назардан, халқаро тажрибага мувофиқ ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини қуйидаги тоифаларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

– Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг шахсий компетенциялари - шахс (human) нинг характерида табиатан мавжуд бўлган шахсий сифат ва фазилатлари мажмуи, унинг хулқ атвори, ўзини тутиши, ташқи муҳит билан ижтимоий алоқалар ва муайян психологик муносабатлар таъсири остида шаклланган ички ресурслари, бошқалар билан уйғун ва самарали фаолият олиб бориш учун имкон берувчи туғма ёки орттирилган кўникма, қобилият ва малакалар мажмуидир.

-Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетенциялари - ўқув- тарбия жараёни функцияларидан келиб чиқиб муайян ёки айнан бир тоифадаги касбий фаолиятга хос бўлган касбий қобилиятлар, билим, кўникма ва малакалардир.

Педагог-олим С.И.Ожегов компетентлик тушунчасини қуйидагича ифодалайди: “Компетентлилик– бирор соҳани чуқур билишлик, кўп нарсалардан хабардорлик, ўз мутахассислиги бўйича катта эътиборга моликликдир” деб таърифлайди. Шунинглек, бирор киши жуда яхши билган ёки хабардор бўлган масалалар доираси, бирор кишининг вазифалари, ҳуқуқлари доирасидир деб талқин этади. Компетенция ва компетентлик тушунчалари педагог олимлар томонидан бир хилда талқин этилмайди. Компетенция ва компетентлилик тушунчалари билим, кўникма, малака тушунчаларидан кўра кенгроқ маънони англатади. Чунки улар шахснинг йўналганлиги (мотивацияси, қадриятли йўналишлари), унинг стериотипларини енгиш, муаммоларни ҳис этиш, кузатувчанлик, фикрлаш қобилиятини, характерини, мустақилликлигини, мақсадга интилувчанлик, иродавий каби сифатларини ҳам қамраб олади. Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришда қуйидаги сифатлар асосий мезон бўлиб хизмат қилади:

– Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчисининг касбий умумий компетентлиги - математик, коммуникатив, информацион, ижтимоий, ахлоқий;

- Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчисининг фаолият турлари бўйича компетентлиги- меҳнат, ўқув, ўйин, касбий;

– Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчисининг фаолиятга йўналган объектлар бўйича компетентлиги - инсон-инсон, инсон-техника, инсон-табиат, инсон-бадиий тимсол;
– Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчисининг ижтимоий ҳаёт соҳалари бўйича компетентлиги- маиший, фуқаровий, маданий;
– Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчисининг ижтимоий билимлар тармоқлари бўйича компетентлиги;
– Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчисининг ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича компетентлиги- транспорт, алоқа, мудофа ва бошқалар;
– Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчисининг қобилиятлар бўйича компетентлиги- педагогика, психология, ижтимоий, ижодий, техник.

Халқаро таълим амалиётида қуйидаги муҳим компетенциялар келтириб ўтилади:

– турли ахборот манбалари, шу жумладан, таълим муассасасидан ташқаридаги ахборот манбаларидан билимларни мустақил ўзлаштиришга асосланган билиш фаолияти соҳасидаги компетенциялар;

– ижтимоий фаолият соҳасидаги компетенциялар фуқаро, сайловчи, ижтимоий гуруҳ, жамоа аъзоси ролини бажариш;
– меҳнат фаолияти соҳасидаги компетенциялар,шу жумладан меҳнат бозоридаги ҳолатни таҳлил этиш ва ундан фойдаланиш, ўзининг касбий имкониятларини, ўзини ўзи уюштириш кўникмаларини баҳолаш ва такомиллаштириш;
– маиший соҳадаги компетенциялар, шу жумладан оилавий ҳаёт аспектларини, саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашни ҳам қамраб олади;
– маданий фаолият соҳасидаги компетенциялар, шу жумладан шахснинг маънавий ва маданий жиҳатдан бойиши учун вақтдан унумли фойдаланиш.

Ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига давлат тамонидан қўйилган ижтимоий буюртмани ҳисобга олган ҳолда, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигидаги мавжуд камчиликларни уларнинг малакасини оширишнинг муқобил шаклларини амалиётга жорий этиш ҳамда ўз устларида мустақил ишлашни ташкил этиш орқали бартараф қилиш мумкин. Шунингдек, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларни замонавий педагогик назариялар, инновациялар, таълим технологиялари, электрон таълим ресурслари билан мунтазам равишда қуроллантириш уларнинг касбий компетентлигини таъминлашнинг муҳим вазифасидир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни. – ҚҲММБ,2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Ф-60-сон Фармони. ҚҲММБ, 2022.
3. Проблемы компетентностного подхода в среднем и высшем образовании // Под редакци-ей Т.Б. Гребенюк. - Изд-во РГУ им.И.Канта, 2008. - 150 с.
4. Татур, Ю. Г. Компетентность в структуре модели качества подготовки специалиста: мо-нография. МГТУ им. Н.Э. Баумана. М., 2004. - 194 с
5. http://www.pedagog.uz/

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий ва инновацион фаолиятида муваффақиятга эришиши таъминловчи касбий компетентлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается профессиональная компетентность, ее особенности и значение, которые обеспечивают успех преподавателей профильных общеобразовательных учреждений в их профессиональной и инновационной деятельности.

SUMMARY

This article examines professional competence, its features and importance, which ensure the success of teachers of specialized general education institutions in their professional and innovative activities.